

## УЯЛИ АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ – АҲБОРОТ ХУРУЖИ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Туйчибоев Аббос Бахромович

*“Fergana Grand Medical Service”* нейронпсихологик марказ психологи

**Аннотация:** *мазкур мақолада уяли алоқа воситаларининг инсон руҳиятига, хулқиға таъсири ифодаланган бўлиб, айнан уяли алоқа воситалари туфайли шахсга нисбатан турли аҳборот хуружларига замин яратилаётганлигининг психологик омиллари ёритиб берилган.*

**Калит сўзлар:** *уяли алоқа воситаси, деструктив хулқ, аҳборот хуружи, рухият*

**Аннотация:** *в данной статье рассматривается влияние мобильной связи на психику и поведение человека, обоснованы психологические факторы возникновения различных информационных воздействий на личность через мобильную связь.*

**Ключевые слова:** *мобильный телефон, деструктивное поведение, информационное воздействие, психика*

Аҳборот технологиялари ривожланган глобаллашув даврида улкан қулайликлар юзага келмоқда ва улар ортидан ўсмирлар руҳиятига салбий таъсирини ўтказмоқда. Инсоният ривожланишида аҳборот узатиш тушунчаси ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларида аҳамиятли бўлган.

Сўнгги йилларда информацион - психологик хуруж уяли алоқа воситалари орқали янада салбий таъсирини ўтказиб келмоқда. Маънавий таҳдидни рухиятга таъсири ибораси энг биринчи галдаги муаммо ҳисобланади. Чунки, аҳборот технологиялари кўплаб қулайлик яратиши билан бирга инсонларни руҳиятига салбий таъсир ўтказмоқда. Ўсмир ёшдаги бола уяли алоқа воситасидан фақат ўзи ҳақидаги хабарни, янгиликларни, барча маълумотларни ижтимоий маконга узатибгина қолмасдан, балки телефоннинг Интернетга уланган тармоқлари орқали ҳайвоний хирслар сари чорлайдиган, айримлари сиртдан беғараз, аслида эса, ўта ёвуз куч ҳисобланган турли воқеа ва ҳодисаларнинг виртуал кўринишларидан онгсиз равишда узлуксиз фойдаланиб келмоқда.

Уяли алоқа воситалари орқали илгариги “совуқ урушлар” яъни, очикдан – очик қуролли жанглардан кўра ҳозирги “информацион хуружлар” айрим кўпорувчи кучлар учун қулай восита бўлиб ҳисобланади. Тўғри, барчани таҳликага келтирувчи “информацион хуружлар” тинчлик йўлида ҳам тарғиб қилиниши мумкин. Лекин ҳар бир халқнинг азалдан мавжуд бўлиб келган қадрият, удум ва анъаналарини босқичма-босқич йўқ қилишга қаратилган таъсир - “салбий информацион хуруж” ларни аниқлаб олишимиз даркор.

Ўтган асримизнинг 70 – йилларида америкалик муҳандис Мартин Купер томонидан яратилган дастлабки уяли алоқа аппарати миллионлаб инсонларни жонига оро кирган бир пайтда, шубҳасиз, ҳеч ким унинг ҳозирги кундаги салбий хусусиятларини кўра билмаган эди. Ҳозирги кундаги уяли алоқа воситалари қанчалик

кулайлик яратмасин, улар ёшларда деструктив ҳуққ – атворни юзага келишига сабабчи бўлади. Чунки бу воситалар орқали турли хил кўринишдаги бузғунчи ғояларни тарқатиш энг қулай ҳисобланади. Демак, информацион хуруж майдонида асосий объект сифатида вояга етмаган мактаб ўқувчилари энг қулай ўлжага айланиб қолган.

Юқорида баён этилган деструктив ҳуққ – атвор тушунчаси вояга етмаганларнинг чуқур психологик илдизига соя каби ўрнашиб олган. Бироқ зиёлилар ҳисобланмиш биз уларга ёқимли бўлиб туюлаётган бу сояни моҳияти қандай бўлишини тушунтириб берадиган вақт келди. Юқорида соя деб урғу берилаётган тушунча конкрет қилиб айтганда бу уяли алоқа орқали тарқатилиши қулай бўлган турли хилдаги бузғунчи ғоялардир. Агар бузғунчи ғояларни таснифлайдиган бўлсак, улар ҳозирги кундаги энг асосий икки қурол: бири диний – экстремистик руҳдаги деструктив ғоялар бўлса, бири порнографик ишланмалардир. Бу икки асосий қурол мўлжални вояга етмаганларнинг онг остига энг нозик нуқтаси бўлмиш тажовузкорлик ва фаровон ҳаёт қуриш эҳтиёжларига йўналтирилган. Дастлаб, Абу Али ибн Сино жинсий жиҳатдан заиф инсонларни даволашда сирли тарзда жинсий майлни уйғотадиган суратларни томоша қилишни тавсия этган. Лекин чет эл исёнчилари томонидан Ибн Синонинг ушбу кўлёмалари ўғирлаб кетилди. Ўз навбатида эса исёнчилар бизга тегишли кўлёмаларни бутун дунёга ахборот хуружининг муҳим салбий иллоти сифатида тарқата бошлади. Информацион уруш жангчилари бу турдаги иллатларни тарғиб этиш учун уяли алоқа аппаратларини муҳим воситачига айлантирдилар. Чунки ахборот хуруж объектлари айнан телефонларга мос қилиб ишлаб чиқилипти. Қолаверса, барча одамлар учун порнографик видеоларни уяли алоқа аппаратлари орқали томоша қилиш қулайдир.

Ҳозирги замон ахборот хуружининг шиори - бу ақлга хужум. Телефонлар информацион таъсир маконида психологик, ижтимоий – иқтисодий, маънавий зарар етказиш билан биргаликда бир миллатнинг, халқнинг ўзини – ўзи вайрон қилишига олиб келади. Айтайлик улардан бири белгиланган халқ, миллатни генефондига шикаст етказяпти. Аниқроғи, уяли алоқа аппаратларидаги электромагнит тўлқин даражалари юқорилатиб экспортга чиқариляпти. Контрабанда йўли билан кириб келаётган уяли алоқа аппаратлари айнан инсонларни наслий аъзоларига салбий таъсир кўрсатиш доирасида ишлаб чиқилипти. Бу каби ҳолатларни олдини олиш чора-тадбирлари эса психологик ёрдам билан бирга қонуний, ҳуқуқий йўл билан забт этилмоғи даркор.

Уяли алоқанинг салбий жиҳатларидан ёшларимизни ҳимоя қилиш давлатимизнинг устувор йўналишларидан бирига айланмоғи лозим. Бу турдаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида турли хилдаги аниқ белгиланган ҳуқуқий, ижтимоий ва психологик профилактика чора-тадбирларини мукамал ишлаб чиқиш ижобий натижаларга олиб келади. Бу ўринда айтиш жоизки ҳуқуқий профилактика ёшларимизга уяли алоқа ва уяли алоқа воситаларидан қонун доирасида фойдаланишни ўргатса, ижтимоий профилактика жамиятдаги уяли алоқа таъсиридаги умумий ўзгаришларни аниқлаб беради, психологик профилактика эса ёшларга уяли алоқанинг инсон руҳий қатламига таъсир этиши кабиларни ёритиб беради. Психологик иқлимни оптимал даражада ижобийлаштириш - барча таълим муассасаларида уяли алоқа

таъсири бўйича сўровномалар ишлаб чиқиш ва “Уяли алоқа таъсири ва ундан тўғри фойдаланиш усуллари” мавзусида маърузалар ўқиб эшиттиришни кўзда тутди. Уяли алоқа воситалари орқали содир бўлаётган салбий оқибатларнинг ҳар соатда янги кўринишга кириб бораётганлиги туфайли бу каби маърузалар оператив тарзда, махсус мутахассислар томонидан видеоалоқа усулида ўқиб эшиттирилиши зарур. Юқорида баён этилган профилактика ишларининг ташаббускори сифатида таълим муассасалари билан биргаликда “Маҳалла” жамғармалари, “Оила – илмий–амалий” марказлари, ИИБ нинг психологлари, Давлат стандартлаштириш марказлари, тиббиёт ходимлари ҳам қатнашишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Муаммони ечимини қарор топтиришдаги бу каби комплекс ишлаш чоратадбирлари энг самарли натижа беришида шак-шубҳа қолмайди. Ҳозирги замон ахборот технологиялари пайтидаги ахборот хуружларининг уяли алоқа ёрдамида содир бўлишидан ҳимояланиш келажак авлодни асраб қолишдаги илдам қадамлардан ҳисобланади.